



Кўкон Мухториятига алоқадор воқеалар



Энди бу ердан умидсизланганим сўнгида Афғонистон, Хиндистон чегаралари бўшлигидан фойдаланиб у томонларга ўтишимни ўйлаган бўлсам ҳам, ёлғиз бош кайгусида бола-чакалардан ажраб, суюкли ватанимни душман кўлига ташлаб кетишни ўзимга лойик топмадим. Айникса, йўлдошларим дунгонлар ичида жонфидо шогирдим Довудхожи мендин ажрамасга шарт килиб, қолишимга каттик қаршилиқ кўрсатмиш эди. Бунинг устига, Вактли Керенский(Русияда чорлик 1917-иил февраль ойида йиқилгач, ўрнига Керенский раислигида қурилган ҳукумат.) ҳукумати қурилган сўнгида Фарғонага мухторият берилиб, Польша мусулмонларидан Огаев исми бир юрист раислиги остида ўн икки кишидан иборат аъзо сайланмиш эдилар. Шулардан бирови ақамиз Олимхонтўра жаноблари эди. Бу ишга тиш-тирноғи билан қарши туришган большевиклар мусулмонларнинг энг кечил душманлари саналган арманилардан тўпланган аскарларнинг ўлиққуруллангириб, халқустига қелтирдилар. Буларнинг бошчи кўмондонлари эса турк қонига чанкаган, қоничкич Дошнок фирка(Дошнок фиркаси (арманича “Ташнак цутюн”) - 1890 й. Тифлис-да тузилган партия бўлиб, программасида Гараб давлатлари ва Русия кўмагида қурулган исён ва террор йўли билан Туркия территорияси-да “Буюк Арманистон” давлати қурулмоқ мақсади қўйилганди.) аъзолари бўлганликдан Кў-кон шаҳри устида қўрсатган вахшийликлари ўрта аср йирткичларидан Чингиз вахшатларини ордда қолдирмиш эди. Онгсиз халқ буни унутган бўлсалар ҳам, душман сунгу найзаларининг зарбаларидан қурақлари парчаланмиш, қўз қонлари билан қўнғил саҳифаларига дахшатли зулм хатларини ёзмиш тарихчилар бу қабил фожияларни ҳеч қачон унутмайдилар. Халқ қўзини қўрқитиб, уларга дахшат солиш учун бир томондан отиш-чопиш бошланган бўлса, иккинчи ёқдан ўт қўйиб, бутун шаҳар бозор расталарини қуйдирмиш эдилар. Бу воқеадан беш-олти йил кейин Хўқандга бурганимизда бузилиб,

вайрон-толкони чиккан кўп иморатларни, куйдирилган бозор расталари ўрнида тўдалашб ётган хисобсиз култепаларни кўзимиз кўрди.

Мана шу Хўканд мухторият ҳукуматига раис сайланган киши польшалик Огаев аталган поляк мусулмонларидан эди. Чор ҳукумати йиқилган сўнгида Польша бошлик бутун Болтиқбўйи миллатлари ўз ҳукукларига эга бўлиб, мухторият олмиш эдилар. Бунга тушуниб ҳақ, талаб килувчи ва ҳам бу ишни бошқарувчи бу ўлкамизда киши йўқлигини билган мусулмон зиёлилари диний ҳислари кўзголиб, Туркистонда кардошларининг биринчи мартаба янгидан курилайётган ёш давлатларига ёрдам еткуруш учун буни юбормиш эдилар. Ўзи юрист бўлиб, чор ҳукуматига қарши мусулмон полякларнинг миллий инқилобчиларидан эди. Хўкандга келиши биланок оз-кўп тушунган кишилар буни тақдирлаб, янги курилайётган миллий мухторият ҳукуматига раис сайламиш эдилар(Аслида бош қотиб сайланганлиги фикри мавжуд.). Бу эса бутун ишларни тартибга солиб, ўн икки кишидан иборат ҳукумат ҳайъати тузилиб, эндигина ишга киришайётган чоғда бало-казодек келиб большевиклар босдилар. Қочишга улгурган кишилар қутулган бўлса ҳам, улгура олмаган аъзолардан қўлга тушган бахтсизлар ҳам оз эмас эди. Ана шу бизга ёрдам учун оиласи, ватани, балки бутун бахти-тахтидан кечиб келган польшалик дин кардошимиз ерлик бахтсизлар қаторида қўлга тушиб, биз учун қурбон бўлди. Эшитишимизча, буларнинг ваҳшийлик маслагидан хабари йўқ бўлиши керак. Бутун дунё бўйлаб ҳар ердаги инсонлар ўз ҳукукларига эришайётган йигирманчи аср даврида ўтган ваҳшийларча отиш-чопиш билангина иш олиб бормасалар-ов, булар билан қўришиб сўзлашайликчи, максадлари нимадур, уни билайлик деб, юристлик қилиб, ҳукукшунослик йўли билан бу йиртқишларга сўз ўтказмоқчи бўлиб, қўлга тушиб қолди. Йўқ эса, бошқа “жон қутқазган - ботир”лар қаби фурсатдан фойдаланса, қочиб қутулиши мумкин эди.

Бу қаҳрамон қўлга олингандан сўнгра бутунлайин хорлик, зулм остида туришдан ўлимни ортиқ қўриб, очлик билдирмишдурки, бу қаби энг сўнги даҳшатлик қорадан инсоният оламида фойда бериши қутилур эди. Булар олдида эътиборсиз қолганликдан ўн беш кунлаб оч қолдирилмишдур. Ақли озиб, ўлар қолга келганда бошқа ёққа олиб кетганлар. Ундан кейинги тақдири бизга номаълумдир.

Инсоният ҳукукининг ҳимояси учун қурбон бўлиб, шундайин олийжаноблик қўрсатмиш бу кардошимизга бутун инсоният томонидан ёлқинлик қўнғимдан чиқарган ташаккуримни билдирган сўнгида унинг муқаддас руҳига абадий раҳматларимни йўллаيمان. Бу қаби инсоният қаҳрамони оз учраганликдан ҳақлик қурбони бўлмиш кишининг хизмати қўмилиб қетмасин учун виждоним талабига бу ўринда ёзиб қолдиришга мажбур бўлдим. Янаўз сўзимизга қалайлик. Энди шуни билмак керакким, Қуръоннинг ҳукмига Расулulloҳнинг йўлига яхши тушунмай динга хиёнат қилган, икки дунёсидан ажраб, ўз ватанида хорлик билан яшаган ёлғон мусулмонлардан илм, фан, маданиятни ўзлаштириб бутун ҳукукларига эга бўлган қофирлар албатта ортиқдир. Бутун Ўйғуристонни қоплаган шу ўхшаш онгсизлик офатини қўргач, у ердан умидим узилиб, ночор, янгидан ўт олайётган фитна ўчоғи ичидаги ўз юртим Тўқмоққа қайтиб қелдим.

Қарасам, соясидан қўрққан қуёндеқхар ерда қочиб-қисиб юриб қун қўрайётган ҳақсиз кишилар ҳам оз эмас эканлар. Шулар қаторида мен ҳам шаҳардан четроқ Шўртепа деган дунганлар қишлоғида туриб, дехқончилик билан қун қечирмоқчи бўлдим. Марҳум отамиз насиҳатларича имом бўлишдан сакланиб, бир-икки йил ўз ишим билан шу ерда қуиманиб юрдим. Лекин ўлкада қорасаводлик ёки саводсиз масжид имомлари бўлса-да, динга асоси билан тушунган олимлардан бирорта ҳам йўқ эди. Бунинг устига большевик

хукумати динсизлик асосига курилганликдан Худосизлар жамияти(Худосизлар жамияти (русча “Общество безбожников”) - 1921 й. да Москвада тузилган ижтимоий ташкилот никоби остидаги давлат муассасаси. “Безбожник” (“Худосиз”), “Атеист”, “Антирелигиозник” (“Динга карши”), “Воинствующий атеизм” (“Хужумкор атеизм”) каби расмий матбуот органлари бўлган. Бу тоифа Ўзбекистонда “Худосиз” деган журнал чикарган.) томонидан хар жойда динга карши ташвикот таркалиб, диндорларга хужум бошладилар.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам айтишларича, бундай вақтда олимнинг сукут килиб караб туриши ўз динига хиёнат килиши демакдир.(Нисойи, Байъат, 37 даги хадисдан мулхам ифодадир.) Бундан сакланиш учун мархум отамизнинг “Имом бўла кўрма” деган васиятларига карамай, халк талабини кабул килиб, Тўқмоқ шаҳри катта масжидига имом бўлдим. Шу биринчи жумъасидаёқ минбар устидан оз деганда бир минг кишига карата аклий-наклий далиллар келтириб, динсизликка карши ўткир бир ваъз сўзладим. Масжид халки бундан таъсирлангач, диллари эриб, кўзлари ёшланди. Хар жойдан “ох-вох” товушлари кўтарилиб, йиги-сиги бошлангани турди. Албатта бундай улуг диний жамият мажлисларида

у вақтнинг раҳмсиз жаллодлари - уч харфлик ГПУ(ГПУ (русча “Главное политическое управление”нинг кискарт-маси) - Бош сиёсий бошкарма, чекистлар идорасининг ўша вақтдаги оти, яъни махфий давлат сиёсий полицияси.) куйдурги жосусларидан сўз тингловчи бир неча кишилар борлиги маълум эди. Шундай бўлса ҳам бирор томондан бу ишга очик равишда тўскинлик кўрилмагач, диний рух кизгинлиги билан ўз ишимда давом этиб турдим.

Шу орада 1922 йиллари Отбоши, Норин козок руслари(Козок рус (казачий, казак)лар - Булар Сибирия ва Ўрта Осиё истилосида рус давлатига фидокорона хизмат кўрсатганлари учуи катта имтиёзларга соҳиб бир рус кавмидир.) томонидан Бондуруф(Аникроги Бондарёв К.А.; расмий манбаларда кўзголон тарихи ноябрь 1920 йилдир.) кўл остида каттик бир кўзголон кўтарилмиш эди. Дархол буларга карши отланса отасини аямаган кора туркманлардан бир бўлук(Полк, кисм (чиг. туркча).) куроллик аскар келтирилди. Ёрдам олгудек таянчлари бўлмаган кўзголончилар буларга карши туриша олмай, Кошгар томонга чекинишиб кочдилар. Буларнинг касофатиغا Тўқмоқ, Пишпақдаги бой савдогар ёки халк ичида кўзга кўринарлик саксон неча кишини бир кечада босиб, текшириш-суриштириш йўқ, шу кечанинг ўзидаёқ кўллари сим билан оркаларига боғланган холда шаҳар ташкарасидаги Кораёгчилик бокка олиб бориб отдилар. Бу гуноҳсиз мазлумларни ўлдириш учун казилган чуқур четига келтирилгач, отиб-чошиб ташлай берганликдан кўплари чала жон эди. Шу ерлик кўрган кишилар айтишларича, уларнинг устиларига жонлари чикмай туриб тупрок тортганликдан уч кунгача тупрок усти тўхтовсиз лўмуллаб ётмишдир. Бу каби юраклар титраб, жонлар ачинарлик, сўзлашга тил сесканиб, ёзишга калам жирканарлик бу “маданий” йирткичларнинг килган вахшийликларини ёзиб колдиришга мажбурмиз. Чунки тарихда кўрилган ишларнингяхши-ёмони демай, кўрган-билган нарсаларнинг барини колдирмай каламга олиш тарихчи устига юкланган мукаддас вазифа хисобланади. Бу эса динсиз дахрийлар хокимиятининг янгидан бўлаётган бошлангич давриларига хирмондан бир ховуч, денгиздан бир чўмич каби кўрсаткичдир. Кўзлаганим курук сўз достони сўкиб, хикоя-вокеа тўплами ёзиш эмас, балки асл мақсад келгуси ватан болаларимиз бундан ибрат олиб, энди келажакда кандок яшамок керак эканлигини билишларидур.

Тарихнинг айтишича, шу ватанимиз, Ўзбекистон ўлкасини шарқдан, шимолдан чиккан

бало селлари коплаб, неча мартаба хароб килганлиги маълумдир. Шунинг учун бизнинг илгариги порлок маданиятимиз вайронликка учраб, насларимиз ҳам табиий ўсишдан тўхталганлиги кўз олдимизда туради. Чунки, бизга чегарадош хитой халки ҳисоб бўйича етти юз миллионга етган ҳолда биз Туркистон халки буларга замондош бўлсак ҳам нега буларнинг юздан бирига тенг бўлиб, шу кунга довр ўн миллионга ета олмадик? Бунинг сабабларини ҳар ёклама текшириб кўрилганда турликча бўлиб чиқиши кўнгилга келади. Лекин ўтган улуг файласуфларнинг айтишларича, тарихий тажрибаларнинг кўрсатишича, қайси бир миллат ўз миллий давлатидан ажраб, унинг ҳукумати йўқолар экан, ҳукумат эгаси бўлган келгиндилар ҳисобиға йил сайин наслари озайиб бориб, энг сўнггида бутунлай ютилиб кетади. Ўз ҳокимиятидан ажради демак - инкироз демакдир. Шу сабаблик дунёдаги онглик, маданий миллатлар ўз ҳокимиятларини сақлаш учун неча миллионлаб қурбон беришга тайёрдурлар. Холбуки, ҳар бир миллатга имон-исломини сақлаш “Қуръон ҳукмича қандай фарз бўлса, шу ўхшаш ўзлигини ва ўз миллатини сақлаш ундан ҳам фарзроқдир. Чунки, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси бир киши ўз отасини ташлаб, бошқа бировнинг боласиман деса ёки бир миллат тили, дини, расм-одати бошқача иккинчи бир миллатга ютилса, буни қораладилар(Ибн Саъд, Табакот, 1) ва мана шундай ишга норозилик билдириб, уларга лаънат ўқидилар. Миллий хиссини йўқотиб, ўз миллатидан ажраш Қуръон ҳукми бўйича харомдир.

Ер усти ужоғи(Жаннат (чиг. туркча).) бўлгудек, жаннат қаби ноз-неъматлик, яйловлари кўп, оқар сувлари мўл, бог-бўстонлик гўзал ватанимиз Ўзбекистон ўлкаси атрофимиздаги очкўз ганимлар томонидан ҳар вақт хужум остида бўлиб турганлиги машхур тарих китобларда ёзилмишдир. Ҳозирги кунимиздан етти юз саксон йиллар аввал бутун дунёга дахшат солган, ўрта аср йирткичлари бўлмиш, қуюндек коплаган Чингиз аскарининг биринчи зарбаси биз Туркистон улусининг устига тушган эди. Шу ўхшаш Ер юзи инсонлари учун яхшилиқ қутилган йигирманчи асрда чиққан большевикларнинг биринчи навбатдаги оғир зарбаларига яна биз Туркистон мусулмонлари учрадик.

Чунки, юқорида айтилганича, бу маданият даврининг тотлик емишларидан фойдаланиб, дунё инсонлари ўз ҳуқуқларига бутунлай эга бўлдилар. Ва ҳам бу орқалик илм, маданият, ҳунар-саноат ер юзига тарқалиб, Африка чўлларигача қира бошлади. Бизлардан бошқа ҳар ердаги озу кўп миллатлар эса ватанлари босқинчиларидан қутулиб, ўз эрқлик миллий ҳукуматларини қуриб олдилар. Биз бўлсак, ҳақиқатда большевиклар ҳукумати қурилган кундан бошлаб ёлғиз миллий, диний, ватаний ҳақларимиз эмас, балки инсоний ҳуқуқларимиздан ҳам бутунлай ажраган, сўнггида эрксиз хайвонлар қаторида ишламакка мажбур бўлдик. Бир миллатнинг ўз ҳуқуқлари бутунлай ўз қўлига топширилмагач, Ўзбекистон оти қогоз устида ёзилиши билан ёки бошқаларнинг юқини қўтарган, аравасини тортган эшак-отлардек бир мунча ўзбек номидаги виждонсиз, қуруқ хайкалларни ўз мақсадларини қўлга келтириш учун ўриндик устига ўтиргизиб қўйиш билан у миллат қандай озодликка чиқдик дея олади?

Балки бундай миллатлар шу қаби хиёнат пардалари остида бутун ҳиссиётларидан ажраган ҳолда ем бўлиб ютилиб, охири инкироз чуқурига юзтубан йиқилиб ҳалок бўлишлари шубҳасиздир. Ўтмишдаги Ўзбекистон ўлкасида минг неча юз йиллар давом этган мустақил давлатимиздан 1865 йили чор Русиясининг босқинчилиги билан ажраган бўлсак ҳам бошқа ишларимиз ўз қўлимизда эди. Бунинг устига Бухоро, Хоразм ҳукуматлари эса 1920 йил ўрталаригача сақланиб келмиш эдилар. Бутун шароит қўлларида бўла туриб, онгсизлик офати, сиёсат қўрлигидан юзларча йиллаб қутилмоқда

бўлган бу каби қулай фурсатни бекорга қўлдан чиқардилар. Йўқ эса бу икки ўлка бирлашиб, унинг устига халқ бойлиги ва ер бойлиги қўшилар экан, ватанимиз Туркистонда миллий ва маданий қучлик бир давлат қуриш қобуси қелмиш эди. Бирок бахтимизга қарши бизда мудофаа қуввати йўқлигидан ўз еримизда қариб бўлиб, ўз меросимизга эга бўла олмадик.

Энди бу ўриндаги мудофаа қуввати нимадан иборат эканлигини ўқувчиларга билдириб ўтмишимиз лозим бўлади. Босқинчиларга қарши қўйилган мудофаа қуввати эса шу ҳозирги замонавий илм-фан, қурол-жабдуққа эга бўлишдан бошқа нарсасиз. Ялиниб-ёлвориб булардан шафқат-марҳамат тиламак шайтондан инсоф-тавфик умид этмак қабидир. Шунга қўра ватан болалари олдимиздаги қелажақ қунларни эсқариб, замонавий илм ўқишга қин қўнғиллари билан қиришиб, ҳалол мерос, ўз ватанларини эгаллаш учун мудофаа тайёрлашга тиш-тирноқлари билан ёпишсинлар.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон қайғуси" қитобидан